

## Қатарда дастлабки Ислон даврининг энг қадимий археологик майдони топилди



15:30 / 06.03.2019 2187

Қатар Музейлар уюшмасининг хабар беришича, Лондон Академияси университети билан ҳамкорликда мамлакат ғарбидаги Югби вилояти ҳудудларида олиб борилган қазилмалар жараёнида дастлабки Ислон даврига оид энг қадимий ҳудуд кашф этилди.

Сосонийлар даврининг охирларига (милодий 538–670) мувофиқ келиши тахмин қилинаётган ҳудудда барпо этилган ва ҳанузгача сақланиб қолган меъморий қолдиқлар Умавийлар даври (милодий 661–750)га асосланиши айтилмоқда. Милодий VII–VIII асрларга алоқадор топилган меъморий қолдиқлар орасида керамик анжомлар, дастлабки Ислон даврига оид идишлар, металллар, тош идишлар ва ов анжомлари ҳам бўлган.

Ушбу археологик кашфиёт Қатар Музейлар уюшмаси ва Қатардаги Лондон Академияси университети ўртасида уч йил олдин имзоланган “Захирага тўла чўл” қўшма лойиҳаси доирасида қўлга киритилган.

***Islom.uz***